



AKTUAR MOLIYA VA BUXGALTERIYA HISOBI ILMIY JURNALI

Vol. 4 Issue 11 | pp. 544-551 | ISSN: 2181-1865

Available online <https://finance.tsue.uz/index.php/afa>

ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНАЛАР БОШҚАРУВИ ИМИЖИНИ ЯХШИЛАШ ИМКОНИЯТЛАРИ МАСАЛАСИ

Атаисматов Иқболжон Зумратжонович

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

ҳузуридаги Бизнес ва тадбиркорлик олий

мактаби Фарғона филиали раҳбари

e-mail: iataisamtov@bk.ru

<https://orcid.org/0009-0002-1233-4561>



Аннотация: Мазкур мақолада мамлакатимизнинг иқтисодий — ижтимоий юксалишида асосий омил ҳисобланадиган эркин иқтисодий зоналар бошқарув имижини жорий ҳолати ҳамда, дирекциялар имижининг инвестиция жалб қилишдаги ўрни таҳлили амалга оширилган. Эркин иқтисодий зоналар жозибadorлигини ошириш йўллари сифатида халқаро ва маҳаллий матбуот ҳамда дирекциялар интернет саҳифаларида фаол реклама ва тарғибот ишларини олиб бориш масаллари ўрганилган. Бугунги кунда ЭИЗ бошқарув дирекциялари ташкилий тузилмаси ва ходимлар малака масалалари муҳокама этилган. Эркин иқтисодий зоналар бошқарув имижини яхшилаш, бошқарув ташкилий тузилишини такомиллаштириш ҳамда маркетинг ишларига доир ҳулоса ва таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: Эркин иқтисодий зона, инвестиция, инвестицион жозибadorлик, бошқарув, маркетинг, реклама, матбуот, ташкилий тузилма, ходимлар малакаси, замонавий реклама, имиж.

Аннотация: В данной статье анализируется современное состояние имиджа управления свободными экономическими зонами, который является основным фактором экономического и социального развития нашей страны, а также роль имиджа управления в привлечении инвестиций. В качестве способа повышения привлекательности свободных экономических зон изучены примеры активной рекламно-пропагандистской работы в международной и местной прессе и на сайтах дирекций. Сегодня обсуждалась организационная структура дирекций управления ОЭЗ и вопросы квалификации персонала. Разработаны выводы и предложения по совершенствованию управленческого имиджа свободных экономических зон, совершенствованию организационной структуры управления, маркетинговой деятельности.

Ключевые слова: Свободная экономическая зона, инвестиции, инвестиционная привлекательность, менеджмент, маркетинг, реклама, репутация, организационная структура, квалификация персонала, современная реклама, имидж.

Abstract: This article analyzes the current state of the image of free economic zones management, which is a key factor in the economic and social development of our country, and the role of the image of the directorates in attracting investment. As ways to increase the attractiveness of free economic zones, examples of active advertising and promotion in the international and local press and on the websites of the directorates were studied. Today, the organizational structure of the FEZ management directorates and issues of staff qualifications were discussed. Conclusions and proposals were developed on improving the image of free economic zones management, improving the organizational structure of management, and marketing activities.

Keywords: Free economic zone, investment, investment attractiveness, management, marketing, advertising, media, organizational structure, staff qualifications, modern advertising, image.

Kirish

Бугунги кунга келиб, иқтисодий ривожланишнинг таянч нуқталарига айланган ЭИЗлар фаолиятини ҳар томонлама ривожлантириш дунё миқёсида жиддий эътибор қаратилмоқда. Давлатлар миллий иқтисодиётини ривожлантириш, ривожланмаган ҳудудларини хорижий капитал ҳисобига ривожлантириш, улардаги ишсизликни бартараф этиш, ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, импорт ўрнини босувчи ва экспорт боб маҳсулотлар ишлаб чиқара оладиган йирик лойиҳаларни амалга ошириш орқали иқтисодий ривожланиш сиёсатини олиб боришмоқда. Ривожлантириш сиёсатини асоси бўлиб, Эркин иқтисодий зоналар ҳисобланади. Эркин иқтисодий зоналар давлатлараро келишувларга ёки махсус қонунларга мувофиқ, хўжалик ва ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланиш учун имтиёзли солиқ, молия, маъмурий — ҳуқуқий шароитлар жорий қилинадиган муайян ҳудудлар ҳисобланади. Хорижий ва маҳаллий тадбиркорларни жалб этиш мақсадларида ташкил этилади ва уларда зарур ишлаб чиқариш ва иш юритиш инфратузилмаси барпо этилади. Эркин иқтисодий зоналар кўп ҳолларда давлатлараро туташ ҳудудларда (бир неча давлатларнинг чегаралари туташган ҳудуд), халқаро аэропортлар, порт шаҳарларда ёки транспорт йўллари туташган ҳудудларда ташкил этилади. Эркин иқтисодий зоналарда алоҳида халқаро ҳуқуқий статус жорий этилади. Лекин у қаерда жойлашишидан қатъи назар, шу мамлакатнинг ажралмас бўлаги ҳисобланади, барча амалиётлар (ер ажратиш, фирма ва компанияларни ташкил этиш, чегарадан юкларни, товарларни олиб кириш ва олиб чиқиш, бож тўловлари, солиқ тўловлари бўйича имтиёзлар, қайси валюта ёки валюталар тўлов воситасини ўташи, ҳудудни бошқариш тартиби ва бошқалар) қабул қилинган қоидалар асосида тезкорлик билан бажарилади. Эркин иқтисодий зоналарни ташкил этишдан мақсад қўплаб янги технология, инвестицияларни жалб қилиб, ривожланган иқтисодий макон яратиш ва шу йўл билан мамлакат иқтисодиётини тезкорлик билан ривожлантиришдир.

Мамлакатимизда ЭИЗларни бошқариш ва ривожлантириш учун давлат унитар корхона шаклидаги дирекциялар ташкил этилган. Ушбу дирекциялар томонидан зона фаолияти ҳар томонлама ривожлантириш, маҳаллий ҳамда хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш, ЭИЗ фаолиятини оператив бошқарувни амалга ошириш вазифалари белгилаб берилган.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

Бугунги кунда ЭИЗлар масаласи турли тадқиқотчи ва профессор олимлар томонидан чуқур таҳлиллار амалга оширилиб келинмоқда. Жумладан, эркин иқтисодий зоналарини ташкил этиш, иқтисодиётдаги ўрни ва аҳамияти, уларни ривожлантириш масалалари бўйича кўплаб хорижий ва маҳаллий иқтисодчи олимлар тадқиқотлар олиб боришган. Бу борада хорижий олимлардан эркин иқтисодий зоналарнинг географик жойлашуви ва уларда логистик хизматларни ташкил этиш бўйича R.J. McCalla [1], эркин иқтисодий зоналар назарияси ва амалиёти тўғрисида M. Guangwen [2], эркин иқтисодий зоналар фаолияти, унинг иқтисодиётдаги ўрни ҳақида Я.С. Друзик [3], халқаро иқтисодиётда эркин иқтисодий зоналар фаолияти бўйича Н.В. Черненко [4]ларнинг илмий ишларини келтириб ўтиш мумкин.

Мамлакатимизнинг етук иқтисодчи олимлар томонидан олиб борилган илмий тадқиқот ишларида махсус иқтисодий зоналардаги имтиёзли тартиб ва маъмурий бошқарув соҳасига кўпроқ эътибор қаратилганлигини кўриш мумкин. Жумладан, А.В. Вахабов, Ш.Х. Хажобакиев, Н.Г. Муминовларнинг фикрича, “эркин иқтисодий ҳудуд – бу маҳаллий ҳамда хорижий тадбиркорлар фаолият юритиши учун махсус имтиёзли иқтисодиёт амал қиладиган чегараланган ҳудуд [5]”.

Амалга оширилган илмий-тадқиқот ишлари ва олиб борилган илмий назарий изланишларга қарамай, айнан бугунги глобаллашув ва демократик бозор ислохотлари шароитида эркин иқтисодий зоналарга инвестиция жалб қилишда бошқарув дирекцияларини имижини ва маркетинг соҳасидаги фаолияти кенг қамровли ўрганиш, таҳлиллار амалга ошириш ҳамда бошқарувни такомиллаштириш, дирекциялар имижини яхшилаш ва халқаро бозорда танитиш масалларини такомиллаштириш масалалар тизимли ҳолда ёритиб берилмаган шу боис танланган мавзу доирасида илмий тадқиқотлар олиб борилишини тақозо этади.

Мазкур мақола мақсад ва вазифалари сифатида дирекциялар томонидан инвестициялар жалб қилишда матбуот билан ишлаш жорий ҳолати, расмий сайтлари ва бошқа давлатларда инвесторлар ўртасида олиб бориладиган тарғибот муаммолари атрофича муҳокама қилиш ва дирекцияларини имижини, маркетинг соҳасидаги фаолияти кенг қамровли ўрганиш, таҳлиллار амалга ошириш ҳамда бошқарувни такомиллаштириш, дирекциялар имижини яхшилаш ва халқаро бозорда танитиш масалларини такомиллаштириш вазифалари ҳисобланади.

ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ

Ушбу мақолада тизимли ёндашув, қиёсий таҳлил, умумлаштириш, статистик таҳлил, кузатиш ва таққослаш усулларидан фойдаланилган.

ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Бугунги кунда мамлакатимизда 24 та ЭИЗ бошқариш дирекциялари фаолият юритмоқда. Глобаллашиб бораётган ва дунё бозорида рақобат кучайиб бораётган шароитда мазкур дирекциялар инвестиция жалб қилишда кўрсатилаётган фаоллик масаласи чуқур таҳлил этилиш замон талабига айланмоқда. Мамлакатга инвестиция жалб қилишда эркин иқтисодий зоналар бошқарув имижини яхшилаш бутун мамлакатга инвестор келишида муҳим ўрин тутади.

Маҳаллий ва хорижий инвесторлар биринчи навбатда қарайдиган муҳим масаллар сифатида бутун мамлакатдаги иқтисодий ва ижтимоий муҳит бўлса яна бир муҳим масала бу инвесторларга берилган имтиёзлар ва преференциялар ҳисобланади. Мамлакатимизда ижтимоий –иқтисодий муҳит стабил ва турли сакрашларсиз ривожланиб бораётганлиги инвестиция амалга ошириш учун ижобий таъсир этади. Бундан ташқари мамлакатимизда турли кўринишда табиий бойликлар ва хомашё ресурслари мавжудлигини ва уларни қайта ишлаш имконияти инвесторлар учун катта имконият яратади.

Мамлакатимиздаги ЭИЗ бошқарув дирекциялари мустақиллигини таъминлаш ва янада фаолиятини ривожлантириш бўйича жуда катта ҳуқуқий-норматив асослар яратилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 05 декабрда тасдиқланган «Махсус иқтисодий зоналар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига махсус иқтисодий зоналар фаолиятини мувофиқлаштириш ва бошқариш тизимини соддалаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида” ЎРҚ-1010-сон қонунига асосан дирекциялар ЭИЗ аъзолигига инвесторларни фаол жалб қилиши ва инвесторларга зона ҳудудидан ерларни электрон онлайн аукционга мустақил чиқариш тўғрисида қарорлар қабул қилиш, инвесторлар саралаб олишни амалга ошириш, дирекция даромадлари ва харажатларини тасдиқлаш, ташкилий тузилмасига ўзгартириш ва қўшимлар қўшиш масалларида эркинликлар берилмоқда. Умуман олганда дирекциялар ЭИЗ фаолиятини бошқариш, ҳар томонлама тўлиқ ривожлантириш ва инвесторларни жалб қилиш вазифаларини белгилаб берилган.

ЭИЗ имижини яхшилаш имкониятини берадиган жуда кўп имконият ва йўллари мавжуд лекин мамлакатимиздаги ЭИЗ бошқарув дирекциялари бу имкониятлардан етарлича фойдаланилмаётганлиги таҳлиллар кўрсатмоқда. Бунинг натижасида ЭИЗ тўғрисида хорижий ва инвестициялар оқимига ўз салбий таъсирини кўрсатмоқда.

Ўрганишларимиз шуни кўрсатмоқдаки бугунги кунда, Ўзбекистон Республикасининг эркин иқтисодий зоналари (ЭИЗ) маҳаллий ва халқаро тадбиркорлар миқёсда етарлича таниқли эмас. Бу, айниқса, ЭИЗларининг имкониятлари ва афзалликлари ҳақида инвестиция киритиши мумкин бўлган аудиторияга етарлича маълумотлар етиб бормаганини кўрсатмоқда.

Бу эса, инвестиция оқимига сезиларли муаммоларни келтириб чиқаради. ЭИЗлар ҳақидаги маълумотларнинг чекланганлиги, шунингдек, ижтимоий тармоқларда саҳифаларининг йўқлиги ёки фаол эмаслиги, улар ҳақида кенг аудиторияга ахборот етказишни қийинлаштиради.

Асосий сабаблардан бири шундаки, жаҳон интернет тармоғида Ўзбекистоннинг аксарият ЭИЗларининг расмий веб-сайтлари мавжуд эмас ёки улар етарлича

ривожланмаган. Жумладан, “Ангрен”, “Навоий”, “Жиззах”, “Хазорасп”, “Ургут” ЭИЗ расмий веб саҳифаси мавжуд лекин статистик маълумотлар ва хомашё материаллар имкониятлари етарлича ёритилмаган бўлса. қолган ЭИЗлар расмий веб саҳифаси ва ижтимоий тармоқларда саҳифалари умуман мавжуд эмаслиги кўрамиз. Яна расмий веб саҳифаси мавжуд бўлган айримларида чет тилари сифатида фақат рус ва инглиз тили мавжудлигини кўрамиз лекин ЭИЗ статистик кўрсаткичлари фақат ўзбек тилида берилганини кўришимиз мумкин.

Бундан ташқари, Ўзбекистон иқтисодий, табиий хомашёси имкониятлари, ишчи кучи, ЭИЗларга берилган имтиёзлар, ЭИЗлар ихтисослашув бўйича ва статистик маълумотларни ўзида жамлаган ягона сайт мавжуд эмаслигини кўришимиз мумкин. Бугунги иқтисодий рақамлашув шароитида ЭИЗларнинг бу ҳолати инвестициялар оқимига ўз таъсирини ўтказмай қўймайди.

Халқаро миқёсда, Ўзбекистоннинг ЭИЗлари ҳақида турли реклама ва маълумотлар мавжуд эмас. Жаҳоннинг йирик телеканалларида ва халқаро бизнес платформаларида ЭИЗлар ҳақидаги ахборотнинг йўқлиги, уларга халқаро инвесторларнинг эътиборини жалб қилишда катта муаммо бўлиб қолмоқда. Бу ҳолат, ўз навбатида, ЭИЗларга қўшимча инвестициялар жалб қилишнинг қийинлашишига олиб келмоқда. Аксарият халқаро инвесторлар, шу жумладан, ишлаб чиқариш ва бизнесни кенгайтириш ниятида бўлган компаниялар, инвестиция имкониятларини излашда кўпинча Ўзбекистон ЭИЗларининг имкониятлари ҳақида етарли ахборотга эга бўлмайди, бу эса ЭИЗ ўз имкониятларидан етарлича фойдаланмаётганлигини кўрсатади.

ЭИЗларнинг алоҳида веб-сайтлари, ЭИЗлар тўғрисидаги ягона веб-сайт, вазирлик ва идоралар веб-сайтларидаги тегишли саҳифалар таҳлили ЭИЗларга берилган имкониятлар ва имтиёзлари ҳақидаги маълумотларни тарқатиш ва инвесторлар эътиборини жалб қилиш масалаларига етарлича эътибор берилмаётганлигини кўрсатди.

Ўрганиш натижалари шуни кўрсатмоқдаки Ўзбекистоннинг дастлабки 3 та ЭИЗлари бўлган – Навоий, Ангрен ва Жиззахда ЭИЗда фаолиятини ташкил этиш учун хорижий компанияларни жалб қилиш ҳолатини қониқарли деб аташ мумкин. Қолаверса, бу кўпроқ ЭИЗ дирекцияларининг саъй-ҳаракати эмас балки, республика марказий ҳукумати ва минтақавий ва маҳаллий ҳокимият органлари сармоядорларни жалб этишга қаратилган саъй-ҳаракатлари натижаси ҳисобланади.

Яна бир муҳим соҳага эътибор бериш керак деб уйлаймиз, Ўзбекистон Республикаси ЭИЗ учун кенг қўламли реклама кампаниясини амалга ошириш Euronews, BBC, CNN, телеканалларида видеофилмлар, ҳужжатли филмлар, эркин иқтисодий зоналар соҳасидаги мутахассислар билан суҳбатлар, қисқача реклама ва кўрсатувлар умуман мавжуд эмас, шунингдек, халқаро анжуманлар, давра суҳбатлари ва семинарлар ўтказиш масаласида ҳам муаммолар етарлича мавжуд.

Эркин иқтисодий зоналарни реклама қилиш ва уларнинг брендини шакллантириш ҳақидаги масала ҳақиқатдан ҳам жуда муҳим. Дунёдаги энг муваффақиятли ЭИЗлар, масалан, Дубай, Хитой, Жанубий Корея ва Сингапур, ўзларининг инвестицион имкониятларини реклама қилишга катта эътибор беришади. Улар нафақат ўзларининг иқтисодий ҳудудлари ҳақидаги

маълумотларни тарғиб қилиш, балки халқаро миқёсда ўз брендини шакллантириш учун ҳам катта маблағлар ажратишади. Бу эса улар учун нафақат инвестицияларни жалб қилиш, балки глобал бизнес ҳамкорликлар ўрнатиш ва янги технологияларни мамлакатга киритиш имкониятларини оширади.

Дунёдаги муваффақиятли ЭИЗларнинг реклама ва маркетинг амалга оширилганларга мисоллар сифатида қўйидагиларни келтириш мумкин:

Дубайнинг “Жебел Али Фрее Зоне” (ЖАФЗА) ва “Дубай Интернет Ситй” каби катта ЭИЗларида ҳар йили реклама ва маркетингта миллионлаб доллар ажратилади. Масалан, Дубай давлатининг ўзининг реклама ва маркетинг кампанияларига йиллик 30-50 миллион доллар орасида маблағ ажратиши маълум. “Жебел Али Фрее Зоне” каби ЭИЗлар ўз инвестиция имкониятларини тарғиб қилиш учун глобал миқёсда йирик реклама компаниялари билан ҳамкорлик қилади, шу жумладан телевизион реклама, ижтимоий тармоқлар ва халқаро бизнес форумларида фаол иштирок этади.

Хитойнинг “Shanghai Pilot Free Trade Zone” (FTZ) ва “Tianjin Economic-Technological Development Area” (TEDA) каби ЭИЗларида ҳам маркетинг ва реклама кампаниялари учун катта маблағлар ажратилади. Хитой бу соҳада тахминан 100 миллион доллар миқдоридида маблағни реклама ва брендни шакллантиришга йўналтиради. Хитой ЭИЗларининг халқаро инвестицияларни жалб қилишда қандай катта муваффақиятларга эришганини инобатга олиб, давлатнинг барча ЭИЗларида йирик реклама ва ташкилий тадбирлар ўтказилмоқда.

Сингапурнинг “Singapore Free Trade Zone” (FTZ) ва “Tuas View” каби муваффақиятли ЭИЗларида реклама ва маркетингта ажратилган маблағлар 20-40 миллион доллар атрофида. Сингапур ўзининг иқтисодий зоналарини глобал бизнес марказларига айлантириш учун фаол реклама қилади ва айниқса, Осиё ва Европа бозорларига қаратилган маркетинг стратегияларига катта маблағ ажратади. Сингапур давлатининг ЭИЗлари кўпинча халқаро инвестиция форумлари ва бизнес марказлари орқали танитилади.

МУҲОКАМА

Эркин иқтисодий зоналар бошқаруви имижини яхшилашда мукамал ишлаб чиқилган маркетинг стратегияси асосида амалга ошириладиган реклама кутилган афзалликларини беради;

Инвестицияларни жалб қилиш: ЭИЗларнинг бренди ва **имижи** реклама орқали кучайтирилади, бу эса жаҳон миқёсида инвесторларни жалб қилади. Инвестиция омилларини реклама қилиш орқали ЭИЗларга келадиган маблағлар кўпаяди.

Халқаро ҳамкорлик: Глобал бизнес форумлар ва ташқи иқтисодий алоқалар орқали ЭИЗлар ўзларини танитишади ва халқаро ҳамкорлик ўрнатишади.

Замонавий инновацион технологияларни жалб қилиш: ЭИЗлар орқали инновацион компаниялар ва технологияларни жалб қилиш имконияти ошади, бу эса миллий иқтисодиётга технологик янгилаш имкониятини беради.

Кўришимиз мумкин, ЭИЗ имижини яхшиланиши натижасида халқаро миқёсида инвесторлар қизиқадиган ва инвестиция амалга оширадиган муҳим ҳудуд бўлиб хизмат қилади.

Юқорида ЭИЗ имижини яхшилашда асосий муаммоларни кўриб чиқдик, умумлаштирилган ҳолда шуни айтишимиз мумкинки ЭИЗ расмий вебсайти ва улардаги маълумотлар инвесторларни тўғри қарор қабул қилишга етарли эмас, аксарият ЭИЗ расмий сайти ва ижтимоий тармоқларда саҳифалари мавжуд эмас, ЭИЗ маркетинг ва реклама хизматлари тўғри йўлга қўйилмаган. Халқаро инвестициялар бозорида мамлакатимиз имижини деярли ёритилмайди ва хато маҳаллий тадбиркорлар орасида ҳам ЭИЗ тўғрисида етарли маълумотга эга эмас.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Ўрганиш ва таҳлиллар натижасида шуни хулоса ўрнида шуни айтишимиз мумкинки ЭИЗ имижини яхшилаш ҳар бир давлат учун ўта муҳим масала ҳисобланади. ЭИЗ имижини яхшиланиши кўпроқ инвестиция ва янги технологияларни мамлакат иқтисодиётига кириб келишини аниқлатади.

Қуйидагиларни амалга ошириш орқали ЭИЗлар имижини яхшилаш ва жозибadorлигини ошириш имкониятларини бериши мумкин:

— вазирлик ва идоралар кўмагида ЭИЗ дирекциялари томонидан, ЭИЗларга хорижий инвесторларни жалб этиш бўйича маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

— ЭИЗлар маркетинг стратегиясини амалга ошириш бўйича Дирекциялар ташкилий тузилмасига янги “матбуот билан ишлаш ёки PR маркази”ни бўлимларини ташкил этиш ва тажрибали мутахассислар билан таъминлаш;

— Ўзбекистоннинг барча ЭИЗлар тўғрисидаги тўлиқ маълумотларни бир неча тилларда (ўзбек, рус, инглиз, хитой, немис, франсуз ва бошқалар) механизм билан тақдим этиш орқали ягона ЭИЗ веб-сайтини яратиш ва такомиллаштириш.

— ахборотни доимий равишда янгиланган туриш, шунингдек, онлайн кириш имкониятига берадиган алоҳида ҳар бир ЭИЗ веб-сайтларини яратиш;

— Инвесторлар билан онлайн боғланиш учун ҳар бир ЭИЗ сайти орқали боғланиш имконини берадиган махсус интерактив хизматни йўлга қўйиш;

— Ўзбекистон Республикаси ЭИЗ учун кенг қўламли реклама кампаниясини амалга ошириш. Халқаро миқёсда ёритилаётган Euronews, BBC, CNN телеканалларида видеофилмлар, ҳужжатли филмлар, ЭИЗ соҳаси мутахассислари билан суҳбатлар, қисқача реклама ва кўрсатувлар намоёнишини ташкил этиш, шунингдек, халқаро конференциялар, давра суҳбатлари ва семинарлар ўтказиш;

— хорижий инвесторлар билан инглиз тилида иш юритиш механизминини жорий этиш.

Мамлакатимиздаги мавжуд имкониятлар, табиий ресурслар, арзон ишчи кучи, мустаҳкам ҳуқуқий-норматив база ва ЭИЗларга берилаётган имтиёзлар орқали мамлакат иқтисодиётига кўпроқ инвестиция оқимини келтириш имконияти бор деб уйлаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. McCalla R.J. The Geographical Spread of Free Zones Associated with Ports // Geoforum 21 (1) (1990): 123–128.

2. Guangwen M. The Theory and Practice of Free Economic Zones: A Case Study of Tianjin, People's Republic of China // Doctoral Thesis, Ruprecht-Karls University of Heidelberg, Germany, 2003.
3. Baraga H.C. Prospects for Free Zones Under FTAA // Paper presented at the Integration in the Americas Conference, Latin American and Iberian Institute, University of New Mexico, 02 April 2006.
4. С. В. Приходько, Н. П. Воловик Особые экономические зоны /; Консорциум по вопр. приклад. эконом. исслед., Канад. агентство по междунар. развитию [и др.]. – М. : ИЭПП, 2007. – 268 с
5. Вахабов А.В., Хажибакиев Ш.Х., Муминов Н.Г. Хорижий инвестициялар. Ўқув қўлланма. –Т.: Молия, 2010. 180-бет
6. O‘zbekiston Respublikasi Vojxona kodeksi. 2016-yil 20-yanvar. O‘RQ-400-son.
7. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 12-yanvardagi “Urgut”, “G‘ijduvon”, “Qo‘qon” va “Hazorasp” erkin iqtisodiy zonalarini tashkil etish to‘g‘risida”gi PF-4931-sonli Farmoni.
8. « Состоянийе и перспективы развития свободных экономических зон в Республике Ўзбекистане » таҳлилий маъруза 2018 й.
9. Хужамқўлов Д.Ю.“Эркин иқтисодий ҳудудлар” Дарслик. –Т.: ИҚТИСОДИЁТ, 2019.
10. Ҳамроев Ҳ.Р “Туристик эркин иқтисодий зоналар ташкил этиш” Дасрлик 2021 й.

Фойдаланилган интернет сайтлар

1. www.gov.uz –Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари миллий базаси
2. www.invest.gov.uz – Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги расмий сайти
3. www.sez.gov.uz – Махсус иқтисодий зоналар расмий сайти
4. www.fez.uz –“Ангрен” ЭИЗ расмий сайти
5. www.feznavoi.uz – “Навоий” ЭИЗ расмий сайти
6. www.hfez.uz – “Хазорасп” ЭИЗ расмий сайти

Copyright: © 2024 by the authors. This work is licensed under a Creative Commons Attribution-4.0 International License (CC - BY 4.0)

